

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.08/28.08.2020.San.121.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**АБДУВОҲИДОВ ФАХРИДДИН МЕЛИГАЛИЕВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ**  
**ШАКЛЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ**

**17.00.01 – Театр санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Абдувоҳидов Фахриддин Мелигалиевич**

Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрининг шаклланиш ва  
тараққиёт босқичлари ..... 3

**Абдувоҳидов Фахриддин Мелигалиевич**

Этапы становления и развития сурхандарьинского областного  
музыкально-драматического театра ..... 21

**Abduvohidov Faxriddin Meligalievich**

Stages of formation and development of musical drama theatre of  
surkhandarya region ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.08/28.08.2020.San.121.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**АБДУВОҲИДОВ ФАХРИДДИН МЕЛИГАЛИЕВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ**  
**ШАКЛЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ**

**17.00.01 – Театр санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси B2019.2.PhD/San72. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгаш веб саҳифасида (dsmi.uz.) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ризаев Аманулла Зуфарович**

Санъатшунослик фанлари номзоди, доцент,  
Қорақалпоғистон Республикаси санъат арбоби

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳамидова Марфуа Азизовна**

Санъатшунослик фанлари доктори, профессор

**Исмоилов Анвар Ҳамдамжонович**

санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон давлат хореография академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.08/28.08.2020.San.121.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164 Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127-“А” уй. Тел: (+99871) 230-28-02; факс:(+99871) 230-28-15; e-mail: uzdsmi@madaniyat.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164 Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127-“А” уй. Тел: (+99871) 230-28-02; факс:(+99871) 230-28-15; e-mail: uzdsmi@madaniyat.uz )

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_да тарқатилди.

(2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**И.Ж.Юлдашев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**Д.М.Мулладжанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

**М.М.Юлдашев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳон ижтимоий-маданий ҳаётида юз бераётган глобаллашув, информацион ва трансформацион жараёнлар театр санъати ривожига ҳам кескин таъсир кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда жаҳон халқлари ижтимоий ҳаётидаги маданий, маърифий, маънавий, сиёсий ўзгаришларни жанр, мавзу ва услуб жиҳатдан бирига ўхшамайдиган сахна талқинларида намоён этиш муҳим ўрин тутмоқда. Шу жиҳатдан халқаро театр майдонида юзага келаётган янги тенденцияларни, драматургия, режиссура, сценография ва актёрлик санъатидаги жанр, услуб ҳамда замонавий инновацион сахна технологияларни ўзлаштириш, ижодий жараёнга сингдириш ҳамда дунё майдонида юксак даражада тарғиб қилиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон санъатшунослик илмида маълум бир мамлакат ёки миллат театр санъатининг пайдо бўлиши, шаклланиши, унинг умумий ҳамда миллий ўзига хос алоҳида индивидуал қирраларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар устиворлик қилмоқда. Айни пайтда сахнада макон ва замоннинг бадиий қиёфаси (образи)ни яратишда ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш орқали янги бадиий услубларни ўзлаштириш, томоша санъатининг турли жанр ва шакллари аудио-видеовизуал технологиялар билан синтезлаштириш, спектаклни сахналантириш ва намойиш қилишда мультимедиа, компьютер дастурларидан фойдаланиш, ижодий, ташкилий, ишлаб чиқариш ва иқтисодий аспектиларни бир бутун, яхлит ҳолда илмий ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида театр санъатининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини бугунги кун нуқтаи назаридан бир бутун, яхлит ҳолда тизимли тадқиқ этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. “Бугунги кун нафаси, одамларни ўйлантираётган, ҳаяжонга солаётган, жиддий ижтимоий муаммолар акс этган сахна асарлари яратиш театр ижодкорлари олдида турган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади”<sup>1</sup>. Ушбу вазифаларни бажаришда вилоят мусиқали драма театрларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларининг асосий йўналишлари, режиссёрлик ва актёрлик соҳасида тўплаган тажриба ва анъаналари, янги даврда юзага келган ижодий тенденцияларни аниқлаш, театрларнинг репертуар танлаш принципи, муаллифларни кашф қилиш, жамоага ёш ижодкорларни сингдириш, гастроль тизимини шакллантириш каби йўналишлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикасида маданият ва

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – // Халқ сўзи. 2017, 4 август.

санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 9-сон “2018-2022 йилларда давлат театрларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Марказдан узоқ ҳудудларда жойлашган театрлар фаолиятини ўрганиш борасида хорижий тажрибалар мавжуд. Хусусан: Л.М.Камертоннинг “1920-1970 йиллар Молдова Республикаси Миллий театри” (миллий анъаналарни ўзлаштириш ва такомиллаштириш муаммолари) докторлик диссертацияси<sup>2</sup>, В.А.Стрижевскийнинг “XVIII аср охири XX аср бошларида Бошқирдистонда рус театрининг шаклланиши” номзодлик диссертацияси<sup>3</sup>, А.И.Бураченконинг “Провинция театр танқидчилиги: структура ва функцияси” номзодлик диссертацияси<sup>4</sup>, Н.А.Дидкопскаянинг “XX–XXI аср чегарасида рус провинциал театри: Ярослав соціо-маданий модели”<sup>5</sup> номзодлик диссертацияси, Р.Р.Романовнинг “Провинциал театр феномени” (Хабаровск ўлкаси экспериментал майдончалари) номзодлик диссертацияси<sup>6</sup>, В.А.Дьяконовнинг “XIX–XX аср бошларида провинциал Россияда театрчилик ҳаракатлари” номзодлик диссертацияси<sup>7</sup>, К.А.Тухватулинанинг “XIX аср охири XX аср биринчи чорагида жанубий Урал театр маданияти”<sup>8</sup> номзодлик

<sup>2</sup> Камертон Л.М. Национальный театр Республики Молдова 1920-х-1970-х годов (проблемы освоения и развития национальных традиций). – // Автореферат диссертации на соискание доктора искусствоведения – Кишинева, 1993.

<sup>3</sup> Стрижевский В.А. Формирование русского театра в Башкортостане, конец XVIII-начало XX вв. – // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. Москва, 2000.

<sup>4</sup> Бураченко А.И. Театральная критика в провинции: структура и функции. – // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата культуролога по специальности 24.00.01 – Теория и история культуры. Кемерово, 2014.

<sup>5</sup> Дидкопская Н.А. Русский провинциальный театр рубежа XX-XXI веков: ярославская социокультурная модель. – // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата культурологии по специальности 24.00.02 – историческая культурология. Ярославль, 2000.

<sup>6</sup> Романов Р.Р. Феномен провинциального театра (Экспериментальные площадки Хабаровского края). – // Диссертация на соискание ученой степени кандидата культурологических наук. 24.00.01 – Хабаровск, 2006. – 176 с.

<sup>7</sup> Дьяконов В.А. Театральное движение в провинциальной России XIX – начала XX века. – // Автореферат на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Саратов, 1995.

<sup>8</sup> Тухватулина К.А. Театральная культура южного Урала конца XIX – первой трети XX века. – // Специальность 07.00.02 – Отечественная история. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Челябинск, 2010.

диссертацияси ва бошқа тадқиқотларда пойтахтдан чекка жойлардаги вилоят театрлари фаолияти тадқиқ қилинган.

Сурхондарё вилояти мусикали драма театрининг узоқ йиллик ижодий фаолияти ўзбек театршунослик илмида ҳозирга қадар алоҳида тадқиқот объекти сифатида яхлит ўрганилмаган. Аммо ўзбек театр санъатининг вужудга келиши, шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари М.Раҳмонов, М.Қодиров, Т.Турсунов, С.Турсунбоев, Т.Баяндиев, М.Тўлаҳўжаева, Т.Исломов, И.Мухтаров, Ҳ.Икромов, М.Ҳамидова, С.Қодирова, Д.Раҳматуллаева, О.Ризаев, О.Тожибоева, Т.Юлдашев, Д.Қодирова<sup>9</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида умумий тарзда ўз аксини топган.

Шунингдек, театрнинг шаклланиш босқичидаги ижодий фаолияти тўлиқ акс этган мақолалар давр матбуоти саҳифаларида жуда кам чоп этилган. Бу жараён театрнинг қайта ташкил этилганидан кейинги даврларда сезиларли жонланган. Бу ҳолат мамлакатимизда профессионал театр танқидчилигининг юзага келиши билан боғлиқ бўлиб, уларнинг аксарияти спектаклларга тақриз, гастроль сафарлари, юбилей ва алоҳида ижодкорлар фаолиятига бағишлаб ёзилган мақолалардан иборат. Диссертацияни ёзиш жараёнида соҳа мутахассисларининг театр фаолиятига бағишланган мақолаларидан фойдаланилди.

Юқорида қайд этилган изланишларда Сурхондарё театри фаолиятига бағишлаган санъатшунослик ҳамда маданиятшуносликка оид илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги кузатилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А1-081 рақамли “XX–XXI аср бошларида ўзбек халқи санъатидаги трансформация жараёнлари (тарихий таҳлил)” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Сурхондарё вилояти мусикали драма театрининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ижтимоий, маданий-тарихий, назарий ва методологик омиллар кесимида очиқ беришдан иборат.

---

<sup>9</sup> Раҳмонов М.Р. Ўзбек театри: қадимий замонлардан XVIII асрга қадар. – Т.:Фан, 1975. – 284 б.; Ўзбек театри тарихи (XVIII асрдан XX аср аввалигача). – Т.: Фан, 1968. – 430 б.; Қодиров М.Х. Ўзбек театри анъаналари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъати нашриёти, 1976. – 420 б.; Ўзбек халқ томоша санъати. – Т.: Ўқитувчи, 1981. – 223 б.; Ўзбек анъанавий театри. – Т.: Фан, 2010. – 468б.; Турсунов Т.Т. Саҳна ва замон. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 413 б.; Турсунбоев С.Т. Андижон театри. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – 133 б.; Баяндиев Т.Б. Қорақалпоқ театри. – Т.: ЎзДСИ, 2009. – 204 б.; Туляходжаева М.Т. Режиссура узбекского драматического театра /тенденции развития и современные проблемы/. – Т.: Изд-во лит. и иск. им. Г.Ғуляма, 1995. – 85 с.; Туляходжаева М.Т., Юлдашев Т.И. Узбекская драматургия на сцене театра /60-80-е годы/. – Т.: Фан, 1990. – 134 с.; Мухтаров И.М. Театр и классика. – Т.: Изд-во литературы и искусства им. Г. Ғуляма, 1988. – 176 с.; Театр и его актёры. – Т.: Фан, 1989. – 146 с.; Узбекский театр: страницы истории и современности. – Т.: San’at, 2014. – 240 с.; Икромов Ҳ.И. Давр ва театр. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009. – 229 б.; Ҳамидова М.А. Узбекская музыкальная драма. Проблемы жанра. – Т.: Изд-во литературы и искусства, 1982. – 87 с.; Қодирова С.М. Комедия санъати тарихи. – Т.: San’at, 2008. – 212 б.; Раҳматуллаева Д.Н. Ўзбек театри: тарихий драма. – Т.: San’at, 2004. – 326.; Ризаев О.З. Наби Раҳимов. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. – 104 б.; Қодирова Д.М. XX аср ўзбек театри сценографияси. –Т.: San’at, 2009. – 208 б.; Тожибоева О.Қ. Эпос ва театр. Биринчи китоб. – Т.: San’at, 2015. – 236 б.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Сурхондарё театрининг вужудга келишидан то бугунга қадар асосий ривожланиш босқичларини аниқлаш;

театрнинг профессионал актёр, режиссёр ва рассом билан таъминлаш, репертуарни миллий ва жаҳон драматургияси билан бойитиш, ёш малакали кадрларни жалб қилиш, республика ва халқаро театр фестивалларида иштирок этиш, маҳаллий драматургларни кашф қилиш ва бошқа соҳаларда етакчи театрлардан бири эканлигини асослаш;

режиссура, актёрлик санъати, сценография, репертуар танлаш, драматургларни кашф этиш, гастроль фаолиятини шакллантириш жараёнларини далиллаш;

мустақиллик даврида яратилган спектаклларнинг мавзу, жанр ва услубий ўзига хосликларини асослаш;

тарихий мавзудаги ҳамда миллий ва жаҳон классик драматургиясини саҳналаштиришда юзага келган анъана ва замонавий тенденцияларни очиб бериш;

тадқиқот натижалари асосида театр фаолиятида шаклланган ижобий анъаналарни сақлаш, янги замонавий тенденцияларни ривожлантириш бўйича илмий асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сурхондарё театрининг шаклланиш давридан шу кунгача бўлган ташкилий-ижодий фаолияти, анъана ва новаторлик изланишлари жараёни белгиланди.

**Тадқиқотнинг предмети** театрнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичида муҳим аҳамият касб этган ғоявий-бадиий юксак спектакллар мазмуни ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда замонавий санъатшунослик илмининг тарихий-хронологик, фактологик, таснифий, таҳлилий, солиштирма-қиёсий, типологик, комплекс ёндашув каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё театрининг бахшилар, қизиқчилар, ҳофизлар, созанда ва раққослар каби халқ томоша санъати намояндаларидан иборат Жарқўрғон ҳаваскорлик театр труппаси негизида ташкил топганлиги исботланган;

тарихий, мумтоз ва замонавий асарларни саҳналаштиришда муболаға, шартлилик, бадиҳагўйлик каби Сурхондарё халқ оғзаки ижодига таянилганлиги ҳамда маҳаллий урф-одатлар, ўйинлар, куй-қўшиқлар акс этган фольклор-этнографик хусусиятларнинг спектакллар мазмунига сингдирилганлиги аниқланган;

сценография, саҳна безаклари ва костюмларни тайёрлашда сурхон воҳасига хос бўлган ранг-баранглилик, ёрқинлик, ўткир характерлилик, халқ ҳунармандчилиги, миллий каштачилик каби этник бадиий услублардан фойдаланилганлиги далилланган;

Сурхондарёнинг чегара ҳудудда жойлашганлиги сабабли вилоят театрида терроризм, наркомания, одам савдосига қарши кураш ғоялари акс этган ватанпарварлик руҳидаги саҳна асарларига кўпроқ устуворлик берилганлиги аниқланган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

республика театрларида фаолият юритаётган ёш драматург, актёр ва режиссёрларга ўз ижодий йўналишларини топиш, анъана ва тарихий тажрибаларни, замонавий жараёнларни ўрганиб, улар асосида ижод намуналарини юзага келтиришда муҳим манба яратилган;

олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари учун ўзбек театри тарихини ўрганишда ёрдам берувчи “Театр тарихи”, “Драматургия асослари” каби фанларга оид дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган хулосаларнинг жаҳон санъатшунослиги, театршунослиги ва маданиятшунослигининг синалган методлари ва назарий ёндошувлари қўлланилганлиги, ижодий жараёнларни кузатиш натижаларига асосланганлиги, тарихий ва замонавий мавзуларда саҳналаштирилган спектаклларнинг таҳлилига таянилганлиги, шунингдек, архив ҳужжатларидан фойдаланилганлиги ва улар асосида ишлаб чиқилган таклифлар амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар театршунослик илмидаги мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради. Спектакллар таҳлили орқали аниқланган драматургия, актёрлик, режиссёрлик санъатидаги тенденциялар, анъаналар ва новаторлик изланишлари театр тарихи, драматургия тарихи фанлари бўйича ўқув қўлланмалар яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ижодий кадрларни тайёрлаш, спектакллар саҳналаштириш, қаҳрамон образини мукаммаллаштириш, характерли образлар яратиш, режиссёрлик топилмалари ва ижодий изланишлар чегарасини кенгайтириш, янги ёндошувларни шакллантириш имконини бериши билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрининг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

миллий урф-одатлар, ўйинлар, куй-қўшиқлар акс этган фольклор-этнографик хусусиятларнинг спектакллар мазмунига сингдирилганлиги аниқланган янгиликдан халқимиз, айниқса ўсиб келаётган ёш авлоднинг дунёқараши, маънавий олами ва эстетик дидининг шаклланишига хизмат қилувчи бадиий пухта спектакллар саҳналаштиришда, пойтахт ва вилоят театрларида саҳналаштирилган янги спектаклларнинг жамоатчилик муҳокамаларида, шунингдек, Республика театр жамоалари фаолиятини комплекс ўрганишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 01-12-06-4752-сон маълумотномаси). Натижада, театр санъатидаги ташкилий-ижодий жараёнларни ўрганиш, кўрик-фестиваллар ташкил этиш имкони яратилган;

Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрида саҳналаштирилган тарихий ва замонавий мавзудаги спектаклларда илғор фикрлайдиган, дунёқараши, турмуш тарзи, ватанпарварлиги билан инсонларга ўрнатилган бўладиган замондош образини яратишдаги ўзига хосликлар, режиссурада юзага келган бадиий,

ғоявий, услубий анъана ва замонавий тенденцияларнинг бугунги кундаги моҳияти акс этган масалалар Санъатшунослик (театршунослик, сахна ва экран санъати драматургияси) таълим йўналишининг “Ўзбек театр тарихи” ҳамда “Драматургия асослари” фанлари бўйича ўқув адабиётларини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 89-03-06-4343-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг актёрлик маҳорати, режиссёрлик санъати, театр тарихи соҳаларида асосли манбаларга эга бўлишларига хизмат қилган;

сценография, сахна безаклари ва костюмларни тайёрлашда этник ранг-баранглик, ўткир характерлилик, рамзийлик, образлилик сингари бадиий услублардан фойдаланилганлик юзасидан олинган янгиликдан Ўзбекистон театрлари репертуарини шакллантиришда, долзарб мавзу ва жанрларда спектакллар сахналаштиришда, театр фестиваллари, кўрик-танловлар, илмий-ижодий конференция ва анжуманлар ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Театр Арбоблари уюшмасининг 2020 йил 5 августдаги 01-02-45-сон маълумотномаси). Натижада, томошабинлар ўзбек театр санъати тарихи ва бугунги жараёнлари ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлишган;

худудий жойлашувни инобатга олган ҳолда вилоят театрида ватанпарварлик руҳидаги сахна асарларига устуворлик берилганлиги хусусидаги янгиликдан Сурхондарё вилоятида мавжуд профессионал ҳамда ҳаваскорлик театрлари ва бадиий жамоаларнинг ижодий-ташкилий фаолиятида, шунингдек, санъат мактабларининг ўқув адабиётларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Сурхондарё вилояти маданият бошқармасининг 2020 йил 24 августдаги 01-19/137-8-сон маълумотномаси). Натижада, театрлар репертуарларининг янги асарлар билан бойишига хизмат қилган, ўқувчилар ўзбек театри тарихига оид муҳим маълумотларга эга бўлишган;

тарихий мавзудаги ҳамда миллий ва жаҳон классик драматургиясини сахналаштиришда юзага келган янгиликдан Сурхондарё театри репертуарини шакллантиришда, муаллифлар билан ишлашда, ижодий ҳамкорликни ривожлантиришда, гастроль тизимини ташкил этишда, ғоявий-бадиий юксак спектакллар сахналаштиришда фойдаланилган (Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрининг 2020 йил 12 октябрдаги 01-08/133-1-сон маълумотномаси). Қўлланилган натижалар театрда бадиий-баркамол спектакллар сахналаштириб, томошабинларга сифатли маданий хизмат кўрсатишга асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан PhD докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 22 та илмий мақола, хорижий импакт-факторли журналларда 2 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми 147 саҳифани ташкил этади. Иловадаги иллюстратив электрон альбом 120 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланган, Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот предмети ва объекти аниқланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси акс эттирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, натижаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги баён этилган, нашр қилинган мақолалар ва диссертациянинг таркибий тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Ватанимиз вилоятларида фаолият кўрсатаётган театр жамоалари фаолиятини илмий ўрганиш борасида бизгача айрим тадқиқотлар бажарилган. Уларда вилоят театрлари фаолиятининг асосий хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатларини ёритиш масалалари асосий мақсад қилиб олинган.

Диссертациянинг биринчи боби **“XX аср бошида Ўзбекистонда янги театрчилик ҳаракатининг юзага келиши ва ривожланиши”** деб номланиб, у икки бўлимдан иборат. Ўзбек театр санъатининг ажралмас таркибий қисми сифатида фаолият юритаётган вилоят театрларининг ўзига хос хусусиятларини узок йиллик тарихий тараққиёт жараёнлари билан боғлиқ илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш масалалари ҳозирги театршунослик илмининг муҳим вазифалардан биридир.

“Тадқиқотнинг илмий-назарий асослари” деб номланган биринчи бўлимда европа шаклидаги ўзбек театр санъатининг вужудга келиши, ривожланиш жараёнлари, тараққиёт босқичлари, орттирган тажрибалари ҳақида сўз боради. Шу кунгача Ўзбекистоннинг турли вилоятларида фаолият кўрсатаётган театр жамоалари ижодини ўрганиш борасида айрим тадқиқотлар олиб борилган. Уларда вилоят театрлари фаолиятининг асосий хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатларини ёритиш асосий мақсад қилиб олинган. Хусусан, М.Раҳмонов, М.Қодиров, Т.Турсунов, Т.Баяндиев, С.Турсунбоев, М.Ҳамидова, Ҳ.Икромов ва бошқаларнинг илмий ишлари мавжуд. Профессional ўзбек театри асосини ташкил этган драматургия масалалари Ҳ.Абдусаматов, М.Тўлахўжаева, Ш.Ризаев, О.Тожибоева, Т.Юлдашев, А.Номозова, Қ.Жўраев, Б.Якубов каби мутахассислар томонидан ўрганилган. Э.Исмоилов, М.Тўлахўжаева, М.Умаров, А.Исмоилов ва бошқаларнинг илмий изланишларида режиссура масалаларига эътибор қаратилган. Тарихий мавзудаги асарларнинг сахна талқинлари хусусида Н.Каримов, Т.Исломов, Д.Раҳматуллаева, С.Мирвалиев, М.Алиев каби олимларнинг тадқиқотларидан маълумот олиш мумкин. Ўзбек театри санъатида жанр муаммолари С.Қодирова, М.Жўраев, Р.Мустафақуловлар илмий изланишларида, актёрлик санъати масалалари Я.Фельдман, Т.Сильмильштейн, Ф.Жўраев, И.Мухтаров, О.Ризаев, С.Абдуллаевлар тадқиқотларида кўзга ташланади. Шунингдек, хорижий драматургияни сахналаштириш тажрибалари борасида Г.Раҳмонова, Е.Гершберг, С.Турсунбоевларнинг, сценография соҳасида Г.Сосновская, Д.Қодироваларнинг тадқиқотларига мурожаат қилинди. Тадқиқотларни ўрганиш жараёнида вилоят театрлари тараққиётини илмий ўрганишга ҳамиша эҳтиёж бўлганлиги кўринади. Мазкур тадқиқотларда илгари сурилган илмий

қарашлар Сурхондарё театри тарихи ва назарий асосларини илмий ўрганишда, диссертациянинг илмий-назарий асосларини таъминловчи муҳим манба сифатида хизмат қилди.

Биринчи бобнинг “Сурхондарё вилоят театрининг ташкилий-ижодий шаклланиш жараёнлари” номли иккинчи бўлими театрнинг вужудга келиши ва шаклланишининг дастлабки босқичларини ўрганишга бағишланган.

1935 йили Термиз профессионал округ театри ўз фаолиятини бошлади. Сурхондарё округ театрининг ўзагини эса Жарқўрғон колхоз ва совхоз театри ижодкорлари ташкил қилди. Сурхондарё округ театрининг пардаси 1935 йилнинг 5 ноябрида А.Исмоиловнинг “Ғолибият” асари билан расман очилди. Қайта тузилиб, ижодий таркибини ёш истеъдодлар билан тўлдирган Сурхондарё округ театри шаклланиш ва ривожланиш жараёнларида ҳаваскорлик театридан профессионал ижодий жамоа даражасига кўтарилиб, кичик ташвиқот асарларидан ғоявий етук, бадиий пишиқ, ёзма драматургияга асосланган спектаклларни ярата олиш имкониятига эга бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларига қадар кенг қамровли, бадиий ва ғоявий пишиқ, ижро ва талқин жиҳатидан мукамалликка эришилган драма ва мусиқали драмаларни саҳналаштиришга жиддий эътибор қаратилганлиги кузатилади. Бу даврда Сурхондарё театри репертуаридан Ғ.Зафарийнинг “Ҳалима”, У.Исмоиловнинг “Рустам”, К.Яшиннинг “Гулсара”, Хуршиднинг “Фарҳод ва Ширин”, Н.В.Гоголнинг “Уйланиш”, К.Яшиннинг “Номус ва муҳаббат”, З.Фатхуллиннинг “Ғунчалар”, Ҳамзанинг “Майсаранинг иши”, “Бой ила хизматчи”, У.Ҳожибековнинг “Аршин мол олон”, Н.Сафаровнинг “Уйғониш” каби асарлари жой олди.

1941 йили Сурхондарё вилояти ташкил этилгач, театрга давлат мусиқали драма театри мақоми берилди. Театр босиб ўтган беш йиллик фаолияти давомида бой, хилма-хил, бир-биридан фарқ қилувчи характерли актёрлар труппасига эга бўлди. Театр жамоаси пойтахт театр санъатининг энг яхши анъаналарини изчиллик билан ўзлаштирган ҳолда турли мавзу ва жанрлардаги асарларни саҳналаштирди. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши театр репертуарини ўзгартириб юборди. Табиийки, ватанпарварлик, халқ қаҳрамонлиги мавзуси етакчи ўринга чиқди. “Чегарачилар” (В.Н.Билль-Белоцерковский), “Қурбон Умаров” (С.Абдулла, Чустий), “Кўзибулок” (Лопе де Вега), “Фронт” (В.Соловьёв), “Ўлим босқинчиларга” (К.Яшин) каби асарлар саҳналаштирилди. Шунингдек, “Бой ила хизматчи” (Ҳамза), “Уйғониш” (Н.Сафаров) каби спектакллар ҳам репертуарда сақланиб қолди. Бу даврда Харьков оперетта театрининг Сурхондарёга эвакуация қилиниши, маҳоратли рус актёрларининг Термизга келиши рус театр тажрибаларининг бу жамоага сингишига замин ҳозирлади. Шу билан бирга, рус театри тажрибаси мазкур театр фаолиятида ҳам доимий тарзда қўлланила бошланди. Вужудга келган ижодий ҳамкорлик туфайли театр репертуаридан янги-янги асарлар ўрин эгаллаши билан бирга, спектаклларнинг тасвирий ечимига жиддий эътибор қаратилди. Яратилаётган спектаклларнинг нафақат сони, балки салмоғи ҳам ошди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда кўпчилик актёрлар шароитнинг оғирлиги, турмуш машаққатлари сабаб, театрни тарк этишди. Қолганлар

1948 йили Қашқадарё, Самарқанд ва Бухоро театрларига қўшиб юборилди. Баъзилар халқ театри, ансамбль ва турли тўгаракларда ўз фаолиятини давом эттиришга мажбур бўлишди. Шу билан Сурхондарё театри бир муддат ўз фаолиятини тўхтатди.

Сурхондарё вилояти мусикали драма театри вужудга келган қийинчилик шароитида тарқатилиб юборилган бўлса-да, қисқа фурсат ичида режиссура ва актёр ижрочилигида ўз услубига эга бўлганлигини исботлади. Дастлабки йилларда ортирилган ижодий тажрибалар театрнинг кейинги фаолиятида янги довларни забт этишида асосий омил вазифасини ўтади.

Иккинчи боб **“Профессионаллашув жараёнидаги ижодий изланишлар (1960-1990 йй.)”** деб номланиб, у ҳам икки бўлимдан иборат. Ушбу бобда Сурхондарё театрининг қайта ташкил этилиши ва ривожланиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ёритилади. Сурхондарё вилояти мусикали драма театри тарихида XX асрнинг иккинчи ярмидан ватанимиз иқтиқлолига қадар бўлган ривожланиш босқичларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Негаки бу даврларда театр жамоаси ҳаётида кўплаб янгиликлар, ўзгаришлар, ижодий изланишлар рўй берди. Бобнинг биринчи бўлими “Профессионал режиссура ва репертуар доирасининг кенгайиши (1957-1974 йй.)” деб номланган. 1948 йили маълум сабабларга кўра фаолияти тўхтатилган Сурхондарё вилоят мусикали драма театри 1957 йили қайта ташкил этилди. Театрда мусикали драмалар билан бирга, соф драматик асарлар ҳам сахналаштирила бошланди. Бу ҳолат томошабинлар сафини кенгайтди. Мехнатсеварлик, халқпарварлик, қишлоқ шароитини яхшилаш, янги ерлар очиш, пахтачиликни ривожлантириш, ёшлар тарбиясига бағишланган асарлар бу даврда етакчи мавзулардан бўлди. Театр ижодкорлари ўз олдига профессионал кадрлар ва пухта ўйланган репертуар тайёрлаш масаласини асосий вазифа қилиб қўйди.

Олтмишинчи йилларнинг бошларида Сурхондарё театрига Тошкент давлат театр ва рассомлик институтини тугатган ёш режиссёрларнинг кириб келиши театр репертуарининг бойиши, режиссура ва ижро маҳоратининг такомиллашувига сезиларли таъсир кўрсатди. Айниқса, ёш режиссёр А.Қосимовнинг “Дили-дили Зайнаб” номли спектаклини ўзбек ва рус тилларида томошабинларга ҳавола қилиши, театр ҳаётида янгилик бўлди. Бунга шаҳарнинг русийзабон аҳолиси ва Термиз горнизони аскарларининг талаб ва таклифлари сабаб бўлган. А.Қосимов 1958 йили сахналаштирган “Суймаганга суйканма” (С.Хўжаниёзов) спектакли ҳам кенг жамоатчиликка манзур бўлди. Бунда Ҳ.Бобохонова, О.Олимова, Ҳ.Муҳиддинов, З.Солиеваларнинг ижодини алоҳида эътироф этиш лозим. 50-йилларнинг охирларида “Ватан ишқи” (З.Фатхуллин), “Сингиллар қиссаси” (Ш.Тамкин), “Орзигул” (Т.Собиров, Н.Маҳмудов), “Севганидан айрилмасин” (Ш.Қиёмов), “Холисхон” (Ҳамза), “Янги ер” (А.Қаҳҳор), “Фарғона ҳикояси” (Ҳамид Ғулом) каби турли мавзу ва жанрдаги спектакллар сахна юзини кўрди.

Театр жамоаси репертуарини бойитиш мақсадида замонавий асарлар билан бир қаторда тилдан-тилга ўтиб келаётган, халқ қаҳрамонлиги, орзу-ўйлари, унинг золимларга қарши курашлари, севги-муҳаббат, ишқда вафодорлик, ботирлик, софдиллик ҳақида мадҳ этувчи, кишиларни бахт-саодат сари

етакловчи дostonлар асосида яратилган сахна асарларига ҳам эътибор қаратди. Шундай асарлардан бири Комил Яшиннинг “Гўрўғли” достони асосида яратилган “Равшан ва Зулхумор” драмаси бўлди.

Олтмишинчи йилларнинг биринчи ярми репертуарини кенгайтириш борасида ўзига хос ислохотларнинг бошланиш даври бўлди. Спектаклларда урушдан кейинги ҳаёт манзаралари, кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар асосий ўринни эгаллади. “Тоҳир ва Зухра” (С.Абдулла, Т.Жалилов), “Майсаранинг иши” (Ҳамза), “Уч баҳодир” (Т.Собиров), “Тўй” (Ғаниев), “Бой ила хизматчи” (Ҳамза), “Зарафшон қизи” (Д.Файзий), “Тошболта ошиқ” (Ҳ.Ғулом), “Дўстлар” (Уйғун), “Биринчи муҳаббат” (Х.Воҳит), “Кўз илғамас соялар” (А.Жамол), “Икки бойга бир малай” (К.Гольдони), “Нурхон” (К.Яшин), “Лайли ва Мажнун” (Хуршид), “Жон қизлар” (Қ.Шанғитбоев, К.Бойсеитов) (1964), “Алпомиш” (С.Абдулла, Т.Жалилов), “Ёрилтош” (Ш.Саъдулла), “Қотил” (Уйғун), “Тули сиёҳ” (С.Жамол), “Ёшлиқда берган кўнгил”, (З.Фатхуллин), “Хавфли учрашув” (И.Стадник), “Ўликлар кечирмайди” (Ў.Умарбеков) каби бир қатор спектакллар дунёга келди.

Сурхондарё театрининг қайта ташкил этилган даврдан то 1974 йилга қадар ўтган ижодий йўли бир текис, равон бўлмади. Қийин шароитда жамоа таркибидаги кўнимсизлик, ўнга яқин бош режиссёрнинг келиб-кетиши, мусиқали драма актёрлари ва малакали созандаларнинг етишмаслиги, узоқдан келадиган ижодкорлар учун яшаш шароитининг йўқлиги театрни оғир аҳволга солиб қўйган бўлса-да, ижодий жараёнда узилиш сезилмади. Шундай оғир дамларда жамоа театр ва рассомлик институтидан мадад олиш билан бир қаторда, маҳаллий драматург ва режиссёрларни, актёр ҳамда созандаларни етиштириб чиқаришга изчил ҳаракат қилди. Бу даврда сахналаштирилган спектаклларда бошқа йиллардагига қараганда профессионал режиссура, актёр ижрочилиги ва репертуар яратиш борасида ижобий натижаларга эришилганлиги намоён бўлди.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими “Миллий мумтоз ва жаҳон классик асарларининг сахна талқинлари (1970-1990 йй.)” деб номланади. 1970-1990 йиллар Сурхондарё театрининг ижодий фаолияти изланишларга бой бўлди. Театр жамоаси 1974 йил 22 апрелда замонавий жиҳозланган бинога кўчиб ўтиши билан театр фаолиятида янги давр бошланди. Консерваторияни тамомлаган тажрибали дирижёр А.Каримовнинг ушбу театрга келиши, бош режиссёрлик қилиб келатган У.Зуфаров ташаббуси билан А.Н.Островский номидаги Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият) институтини тугатган М.Абдуқундузов, Т.Эргашев, Қ.Бурхонов, З.Отабоева, Д.Солиҳова, Н.Саидова, Х.Азаматуллаева, Ф.Ҳасанова, Т.Абдуқодиров сингари бир гуруҳ ёш иқтидорларнинг жамоага келиб қўшилиши билан ижодий жараён қайнаб кетди. Режиссёр Мансур Равшановнинг Москвадаги икки йиллик олий режиссёрлик курсида йирик сахна усталари А.Попов, М.Кнебель, А.Гончаров, Б.Ровенских, А.Эфрослардан таҳсил олиб театрга қайтиши, маҳоратли рассом В.Михайличенконинг театрда иш бошлаши билан янги тараққиёт босқичи томон дадил қадам қўйилди.

Театрнинг янги бинодаги фаолияти бир қатор ижодий-ташкилий ўзгаришлар билан бошланди. А.Каримов директор, М.Равшанов бош режиссёр ва бадиий раҳбар, В.Михайличенко театрнинг бош рассоми этиб тайинланди. Ёш актёрларнинг маҳоратини чарҳлаш, ўз истеъдодларини янада кенгрок намоён қилишлари учун шарт-шароит яратиш мақсадида театр қошида “Ёшлар секцияси” ташкил этилди. Секцияда сахна ҳаракати, сахна нутқи, актёрлик маҳорати ва қиличбозлик бўйича кўшимча тренинг-машғулотлар олиб борилди.

Театр жамоасининг ижодий имкониятлари кенгайган сари, репертуар салоҳияти ҳам юксалиб борди. Бу ҳолат миллий мумтоз ва жаҳон классик драматургиясининг энг сара намуналарини сахналаштириш жараёнларида кўринадди. Натижада, вилоят томошабинлари Шекспир, Шиллер, Мольер, Гольдони, Гоголь, Островский сингари машҳур классикларнинг ижоди билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. “Макр ва муҳаббат” (Шиллер), “Скапеннинг найранглари”, “Тартюф” (Мольер), “Икки бойга бир малай” (Гольдони), “Сарвиқомат дилбарим”, “Оқ кема”, “Момо ер” (Ч.Айтматов), “Сепсиз қиз” (А.Островский), “Ревизор” Гоголь “Ҳаётбахш ўлим” (В.Вишневский), “Аршин мол-олон” (У.Ҳожибеков) каби асарларнинг сахналаштирилиши жамоанинг ижодий етилишида катта тажриба ва сабоқ бўлди. Мумтоз асарлар асосидаги спектаклларда даврнинг ижтимоий ва мафкуравий қарашлари ўз аксини топди. Ўз навбатида, мазкур сахна асарлари кўплаб санъаткорларни баркамоллик чўққисига олиб чиқди.

Жаҳон классикаси билан ёнма-ён миллий мумтоз асарларни сахналаштириш тажрибалари ҳам ортиб борди. Театр репертуаридан “Тоҳир ва Зухра”, “Алпомиш” (С.Абдулла), “Бой ила хизматчи”, “Ҳолисхон”, “Майсаранинг иши” (Ҳамза), “Чин севиш” (Фитрат), “Равшан ва Зулҳумор”, “Нурхон”, “Гулсара” (Комил Яшин), “Лайли ва Мажнун” (Ҳуршид), “Қиз булок”, “Нодира” (Туроб Тўла), “Алишер Навоий” (И.Султон, Уйғун), “Уфқ” (Саид Аҳмад) каби спектаклларнинг юзага келиши ижодий салоҳиятнинг юксалиб бораётганлигини намоён қилди.

1978 йили театрга ўзбек миллий профессионал режиссурасининг асосчиси, иқтидорли драматург, моҳир ташкилотчи, талантли педагог Маннон Уйғур номи берилди. Кўп ўтмай, ижодий жамоа рус тилида асар сахналаштириш тажрибасини давом эттирган ҳолда, репертуарга бир қатор янги спектаклларни киритди. М.Байжиевнинг “Куёв ва келин”, Арбузовнинг “Кўҳна комедия”, Т.Минулиннинг “Аёллар ҳаётдан”, А.Гельманнинг “Барча билан юзма-юз” драмалари рус тилида намоёиш этилди. Табиийки, ўзбек актёрларининг рус тилида роль ўйнаши тил, нутқ, характер яратиш борасида ўзига хос мураккабликларни келтириб чиқарди. Бироқ, жамоа бир ёқадан бош чиқариб, тинимсиз меҳнат, актёрлик маҳорати, сахна нутқи бўйича ташкил этилган тренинг-машқлар эвазига кўзланган мақсадга эришди.

Сурхондарё театри учун 1970 йилларнинг биринчи ярми ҳар жиҳатдан синов ва ривожланиш палласи бўлди. Бу жараёнда нафақат ғарб классикаси, қардош халқлар драматургияси, балки миллий асарларга ҳам кенг эътибор қаратилди. Бош режиссёр М.Равшанов миллий мумтоз, жаҳон классик ва замонавий асарларни сахналаштиришда бошқа театрлар талқинини

такрорламасликка, ўзига хос йўл излашга, ташаббускор бўлишга ҳаракат қилди, янги шакл ва ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда режиссурада изланишлар қилди. Ўтган йиллар давомида ўз йўналиши ва анъанасига эга бўлган театр жамоаси кўп ҳолларда драма йўналиши бўйича Ҳамза (ҳозирги Миллий академик драма) театри, мусиқали спектаклларни сахналаштириш борасида Муқимий номидаги мусиқали драма театрларидан андоза олиб турган бўлса-да, эндиликда уларнинг талқин услубини такрорлашдан чекинди. Репертуарга киритган асарларни ўз томошабини кўзи билан ўқиб, уларнинг дунёқарашини ва интилишларига яқинлаштиришга ҳаракат қилди. М.Равшанов театрга янги муҳит олиб кириш мақсадида, кўшни Қашқадарё театрининг бош режиссёри К.Йўлдошевни вақти-вақти билан таклиф қилиб, ўзаро ижодий фикр алмашиб турди. Ижодий ҳамкорлик ва ўзаро муносабат жамоадаги талабчанликни янада ошишига хизмат қилди.

Бу даврда театр директори А.Каримовнинг бир вақтнинг ўзида бош дирижёр вазифасини ҳам бажариши қўл келиб, оркестрни малакали созандалар билан тўлдириш, вокал артистларини тарбиялаб, вояга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу ҳаммаси репертуарда қатор мусиқали драмаларнинг пайдо бўлишига замин ҳозирлади. “Ватан ишқи” (З.Фатхуллин), “Жон қизлар” (К.Шанғитоев, К.Бойсеитов), “Севмаганга суйканма” (С.Хўжаниёзов), “Ошиқлар” (Ё.Шукуров), “Ўжарлар” (Ж.Жабборов), “Дабдабали тўй” (Ю.Булат), “Сахро сайёраси” (М.Каримов), “Қизил дуррали нозик ниҳолим”, “Момо ер” (Ч.Айтматов), “Майсаранинг иши” (Ҳамза), “Тошкентнинг нозанин маликаси” (Ҳайдар Муҳаммад), “Нурхон” (Комил Яшин), “Кўзлари чўлпон” (С.Азимов) каби мусиқали драмалар театр репертуарини бойитиш билан бир қаторда, ижодий жамоанинг мусиқали асарларга ёндашувидаги ижро имкониятларини намоён этди.

1980 йилларнинг иккинчи ярмига келиб, Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрида янги давр бошланди. Тарих саҳифаларига “қайта қуриш” номи билан кирган мазкур даврда юзага келган демократлашув, фикр ва сўз эркинлиги, идеологик тазйикдан қутулиш кайфияти бадиий ижодга янгича қараш, жамиятдаги муаммоларга ошкора муносабат билдириш майлини туғдирди. Театрнинг бош режиссёри М.Равшановнинг ташаббуси билан маҳаллий драматургларни кашф қилиш ҳаракатлари кучайди. У.Азимнинг “Бир қадам йўл”, И.Отакуловнинг “Қамашган кўзлар”, “Қайтар дунё”, Н.Ҳайиткуловнинг “Юлдуз сўнди”, Х.Мақсадкуловнинг “Садоқатли арвоҳ”, М.Хайруллаевнинг “Олам сеники” каби асарлари шу даврнинг маҳсули бўлди.

1970-1990 йиллар театр ҳаётида энг самарали давр бўлди. Бу даврда театр жамоаси уч жабҳада фаол ижод қилди. Биринчидан, миллий мумтоз ва жаҳон классик асарлари билан томошабинларни таништириш, иккинчидан, рус тилида спектакллар намоиш қилиш орқали томошабинлар аудиториясини кенгайтириш, учинчидан, халқимиз севиб томоша қиладиган мусиқали драмаларни тўлақонли саҳнага олиб чиқиш борасида ижобий натижаларга эришилди.

Учинчи боб **“Мустақиллик даврида янги имкониятларнинг юзага келиши (1991-2019 йй.)”** деб номланган бўлиб, у ҳам икки бўлимдан иборат.



“Тарихий асарларни сахналаштиришда замонавий тенденциялар” номли биринчи бўлимда Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилиниши билан миллий кадриятларимизни тиклаш, шўролар даврида қатағонга учраган ижод аҳлининг асарларини оммалаштириш, халқ мулкига айлантиришга жиддий эътибор қаратилгани, тарихга, миллатимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарганлиги, улуғ сиймоларимиз ҳақида ҳолисона фикр айтиш имконияти туғилганлиги ҳақида сўз боради. Амир Темур, Алишер Навоий, Умар Хайём, Собир Термизий, Ал Ҳаким ат-Термизий, Имом Бухорий, Жалолиддин Мангуберди, Тўмарис, Спитамен, Бобур, Машраб, Нодирабегим, Огаҳий, Зебуннисо сингари қатор буюк аллома-аждодларимиз ҳаётига бағишланган спектакллар сахна юзини кўрди.

